Ушбу сонда:
2 Муаммо кўндаланг қўйилади ҚАЛБ ИЗТИРОБИ қайда қолди меҳр-оқибат
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
4 Буюк аждодларимиз УМАР ХАЙЁМ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 6 апрел, сешанба № 57 (1690)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЛАТВИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Президенти Вайра Фрике-Фрейберганинг таклифига биноан 2004 йил 7-8 апрел кунлари давлат ташрифи билан Латвияда бўлади.

Ташриф давомида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрел куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Болгария ташқи ишлар вазири Саломон Пассини қабул қилди.***

Ўзбекистоннинг ЕХҲТ билан ҳамкорлиги ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва инсоний мезонларни кенг қамраб олган. АҚШда рўй берган 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан кейин ЕХҲТнинг фаолиятида, хусусан, минтақамиз ва мамлакатимиздаги фаолиятида хавфсизлик энг долзарб масалалардан бирига айланди. Сўнгги вақтларда мазкур халқаро ташкилот давлатлар чегараларини мустаҳкамлаш, қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси ва террорчиликни молиялаштиришга қарши кураш, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини ўқитиш ва қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

2003 йили ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази томонидан чегара ва божхона хизматлари ходимлари учун ўқув семинарлари, енгил ва ўқотар қуроллар бўйича семинар ва бошқа тадбирлар ўтказилди. Жорий йилда ҳам бир неча ўқув семинарларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Иқтисодий соҳага ҳам эътибор кучайди. ЕХҲТ иштирокида Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, ёшларда ишбилармонлик кўникмаларини ҳосил қилиш бўйича лойиҳалар, «Маҳалла ва атроф муҳит муҳофазаси» дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг ЕХҲТ иқтисодий лойиҳалари кўламини кенгайтириш борасидаги таклифлари ташкилот томонидан илиқ қабул қилинди. Шу муносабат билан Тошкентдаги марказнинг лойиҳаларга доир фаолияти учун қўшимча маблағ ажратишга қарор қилинган. Аниқроғи, 2003 йили Ўзбекистондаги лойиҳалар учун 683 минг евро берилган бўлса, жорий йил учун 1 миллион 146 минг евро ажратиш кўзда тутилмоқда.

Ташкилотга Ўзбекистоннинг Шарқий Европадаги ишончли шерикларидан бўлган Болгария раислик қилаётганини таъкидлаш ҳам ўринлидир. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенг асосда ривожлантиришга имкон беради. Хусусан, ЕХҲТнинг амалдаги раҳбарияти таълим тизимини ривожлантиришни устувор соҳалардан бири сифатида белгилаган. Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистонда таълимни ривожлантириш масалаларига бағишлаб минтақавий анжуман ўтказилгани кенг миқёсли ҳамкорлик бошлаб юборилганидан далолатдир.

Оқсаройдаги учрашувда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан кўп томонлама алоқалари ҳамда Болгария билан ўзаро муносабатлари жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Меҳмонни Болгария НАТОга аъзо бўлгани муносабати билан табриклади.

С.Пасси ЕХҲТ Доимий кенгашининг ўтган ҳафта Венада бўлиб ўтган йиғилишида 55 мамлакатни ўз ичига олган ушбу ташкилот Ўзбекистонда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларини қаттиқ қоралагани, мамлакатимиз ҳукумати ва халқига ҳамдардлик изҳор этиб, террорчиликка қарши курашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёрлик билдирганини таъкидлади. Айни пайтда Тошкентга келиб, мамлакатимизда ҳаёт маромида давом этаётганига, одамларда саросима йўқлигига гувоҳ бўлганини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон-ЕХҲТ муносабатлари ва мамлакатимизнинг Болгария билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик муаммолари, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## ЕХҲТнинг «Таълим - келажакка йўналтирилган сармоя» минтақавий конференцияси иштирокчиларига

*Ҳурматли анжуман қатнашчилари!*

*Сизларни Ўзбекистон пойтахти - Тошкент шаҳрига ташрифингиз билан чин дилдан қутлайман.*

*Марказий Осиё жаҳон цивилизацияси тарихида илм-фан вужудга келган ва тараққий этган, эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари қарор топган минтақа сифатида алоҳида ўрин эгаллайди.*

*Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа қатор буюк мутафаккирларнинг номлари бугунги кун маорифига асос бўлган мерос билан узвий боғлиқдир.*

*Ҳозирги пайтда бир ҳақиқатни ҳар қачонгидан кўра теран англаб олиш муҳим аҳамиятга эга: самарали таълим тизимини яратмасдан туриб жамиятни ислоҳ этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини тасаввур этиш қийин.*

*Ушбу соҳага устувор аҳамият берилиши, шубҳасиз, унинг келгуси тараққиёти учун замин ҳозирлайди. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муттасил ривожланишига эришиш учун узлуксиз таълим тизимини қўллаб-қувватлаш, энг янги технологияларни жорий этиш ва халқаро таълим билан интеграциялашув талаб этилади. Бу вазифа Ўзбекистонда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз ифодасини топган.*

*Бугунги кунда таълим нафақат давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашда, айни пайтда террорчилик ва диний экстремизм каби хавфсизликка нисбатан янги таҳдидларнинг вужудга келиши ва тарқалишининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга экани барчага аён. Ислом динини сиёсийлаштиришга ва ундан экстремистик мақсадларда фойдаланишга уринишлар давом этаётган вазиятда таълим соҳаси «тафаккур учун кураш»нинг, аввало, ёш авлод дунёқараши учун курашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.*

*Фаолиятида таълим масалалари тобора устувор аҳамият касб этаётган ЕХҲТга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман. Бунда ЕХҲТга раислик қилаётган Болгариянинг хизмати алоҳида аҳамиятга эга.*

*Ишончим комилки, ушбу анжуман таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг янада ривожланиши ва кенгайишига хизмат қилади.*

*Барчангизга ана шу олижаноб ишда самарали меҳнат ва муваффақият тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**





Қорақалпоғистон Республикаси худудида ер ости заҳира сувларини иложи борича кўпроқ миқдорда Орол денгизига йўналтириш муҳим масалалардан биридир. Шу мақсадда қудратли қадамловчи эксковатор Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа туманларидаги коллекторларни равонлаштиришга, улардан келадиган сувларни Жанубий бош коллектор орқали Оролга қуйилишини таъминлашга жалб этишга мазкур эксковатор бир кунда 8-10 минг кубометр ҳажмдаги тупроқ ишларини бажармоқда.

***Суратларда: эксковатор машинисти К.Ибрагимов; коллекторлар тозалаётган жараён.***

**Б. ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган суратлар**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида

***Оролбўйи экологиясини яхшилаш, аҳолиси соғлиғини мустаҳкамлаш ва атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, банклар, халқаро ташкилотлар, жамоат ташкилотлари ва тузилмаларнинг Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш ҳамда уларнинг Жамғарма муассислари сифатида қатнашиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

минтақани барқарор ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида Оролбўйи аҳолиси соғлиғини сақлаш ва атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш масалалари бўйича тизимли дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқишни ташкил этиш ва уларни амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш минтақавий тизимини такомиллаштиришда, аҳолининг, айниқса болалар ва аёлларнинг соғлиғи даражасини оширишда, санитария-эпидемиология вазиятини яхшилашда, кундалик ҳаётга оилавий саломатлик маданиятини жорий этишда ёрдам кўрсатиш;

атроф табиий муҳит, шу жумладан Оролбўйи наботот ва ҳайвонот дунёсини соғломлаштириш ҳамда муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишга жамоатчиликни жалб этиш;

минтақанинг биологик ранг-баранглигини сақлашда ва тиклашда фаол иштирок этиш;

юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ва вазифаларни ҳал қилишга халқаро ташкилотларни кенг жалб этиш.

3. Қуйидагилар:

Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши таркиби;

Жамғарманинг ходимлари сони 5 нафар бўлган ижро этувчи дирекцияси тузилмаси маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг, Ҳукуматга қарашли ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг, ҳомийларнинг ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади;

Жамғармага тушадиган маблағлар солиққа тортилмайди.

5. Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Туркия ҳукуматларидан Оролбўйидаги экологик аҳволни яхшилаш учун тушган 513854 АҚШ доллари миқдоридаги маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг таклифига кўра белгиланган тартибда Жамғармага берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Қуйидагиларга:

а) Жамғарма муассисларига - бир ой муддатда Жамғарма уставини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин;

б) Жамғарманинг Ҳомийлик кенгашига:

Жамғарма олдида турган вазифаларни ҳал этишга манфаатдор давлат, жамоат тузилмаларининг ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг жалб этилишини таъминлаш;

Орол денгизи ва Оролбўйи зонасининг биологик ранг-баранглигини сақлаш, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, болаларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, минтақада тарқалган касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг яшаш ва турмуш шароитларини яхшилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини бажариш бўйича вазифаларнинг бажарилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғарманинг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлашда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли, қонуний ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш;

Жамғармани Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишда кўмаклашиш;

Нукус ва Урганч шаҳарларида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва Хоразм вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарларига Жамғарма бўлимларига жамоатчилик асосида раҳбарлик қилишни юклаган ҳолда, Жамғарма бўлимларини очиш тавсия этилсин.

7. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, UzGEF агентлиги Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этишда фаол иштирок этсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 3 апрел

*Огоҳликка даъват*

## АСОСИЙ ЭЪТИБОР ЁШЛАРГА

***Бугунги шароит барчамиздан янада сезгир, огоҳ ва хушёр бўлишни талаб этмоқда. Шу боис маҳаллаларда, таълим муассасаларида, турар-жойларда ўз уйимизни ўзимиз асраш бўйича барча чораларни кўришимиз, бепарволик ва лоқайдликка йўл қўймаслигимиз керак.***

Бунда асосий эътиборни ёшларнинг бўш вақтларда нима билан машғул бўлишлари масаласига қаратяпмиз. Шаҳар ҳудудида 27 та мактаб, 35 та боғча, 5 та мактабдан ташқари таълим муассасаси, 3 та институт фаолият кўрсатмоқда. Шаҳар халқ таълими бўлими тасаррудидаги мактабларнинг 7 нафар ўқувчиси ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси рўйхатида турибди. Афсуски айрим маҳаллаларда ёшлар томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилиши қайд этилган. Масалан, «Оққўрғон» маҳалласида яшовчи мактаб ўқувчиси Азиз Ботиров бобосининг 130 минг сўмлик тилла буюмларини сотиб юборди.

«Сойилжойи» маҳалласидан мактаб ўқувчиси Осим Нарзиқулов машина эшигини бошқа калит билан очиб, пул ўғирлаган. Шунингдек, 3 нафар коллеж талабалари турли ҳуқуқбузарликлар содир этишган. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида шаҳардаги «Иттифоқ», «Заргарлик», «Қипчоқ», «Зилол», «Олмазор» маҳаллаларида «Соғлом турмуш тарзини яратайлик» шиори остида тадбирлар уюштирилди. Тадбир натижасига кўра 10 нафар етим болаларни оилалар қонуний йўл билан фарзандликка олишди, 6 нафар бола васийлик ва ҳомийликка олинди. 2 нафари «Меҳрибонлик уйи»га жойлаштирилди. Комиссиямиз жонкуяри Дилором Расулова Наврўз байрами арафасида «Меҳр қолур дилларда» номли тадбир ташкил этди. Унда 210 нафар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совға-саломлар улашди. 4 нафар етим боланинг хатна тўйини ўтказиб берди. 110 нафар болага байрам кечаси уюштирди. Меҳрибонлик уйи ҳисоб рақамига 150 минг сўм ўтказди.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаб, бартараф қилиш ҳамда олиб борилаётган ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганиш мақсадида қўшма рейд ташкил қилинди. Унга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, таълим муассасалари раҳбарлари жалб этилди. Ўнлаб ўқувчилар дарс машғулотлари кетаётган пайтда бозорда савдо қилаётганликлари, кўча-куйда санқиб юрганликлари маълум бўлди. Улар мактабларга қайтарилди.

«Бўш ишчи ўринлари» ярмаркаси ташкил этилди. Унга 334 нафар ёшлар иш сўраб мурожаат қилишди. Шунинг 88 нафари иш билан таъминланди. 25 нафар ёшларга касб-ҳунар курсларига йўлланмалар берилди, 45 нафарига ишга жойлашиш бўйича маслаҳатлар берилди.

Комиссия аъзолари маҳалла оқсоқоллари, халқ посбонлари, ўқитувчи ва мураббийлар, умуман кенг жамоатчилик билан ҳамжиҳатликда ёшлар тарбияси билан мунтазам шуғулланмоқда.

**Шукрулло МАРДОНОВ,**
**Жиззах вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, шаҳар кенгаши ёшлар ишлари бўйича комисия раиси**

***"Когонёғ" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бугунги кунда йигирмадан зиёд маҳсулотлар тайёрланмоқда. Ўсимлик ёғи, қадоқланган ёғ, турли навдаги хўжалик совунлари, омухта ем ва бошқа маҳсулотлар шулар жумласидандир .***

## "КОГОНЁҒ"НИНГ ИШОНЧЛИ ҚАДАМИ

- Ўтган йили амалда 17,4 минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилди,-деди "Когонёғ" очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Ато Ўлжаев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Бу режадагидан 1 минг 200 тонна кўп демакдир. Шунингдек корхона жамоаси режадагидан минг тонна зиёд тозаланган пахта ёғи ишлаб чиқарди.

Ҳиссадорлик жамияти жамоаси хўжалик совунлари, шулха, шрот ишлаб чиқариш режаларини ҳам ортиғи билан уддалашди. Бундан ташқари, 876,6 миллион сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг дастлабки ойида 665,1 миллион сўмлик ўрнига етти юз миллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланди.

А.Ўлжаевнинг таъкидлашича, яқинда "Когонёғ" ҳиссадорлик жамияти ва Германиянинг "Скет" фирмаси ўртасида ёғ ҳидини тозалайдиган замонавий ускуналар етказиб бериш борасида шартнома тузилди. Бу эса корхонага жаҳон андозалари талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

**"Туркистон-пресс"**

## АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида «Амир Темур - буюк саркарда ва давлат арбоби» мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Соҳибқирон таваллудининг 668 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва жамоат ташкилотлари вакиллари, уруш ва меҳнат ҳамда Қуролли Кучлар фахрийлари, Тошкент гарнизони ҳарбий қисм ва муассасалари ҳарбий хизматчилари, ёшлар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида бобокалонимизнинг ҳаёти ва фаолиятини холисона ўрганиш, бунёдкорлик ишларини тарғиб ва ташвиқ этишга катта аҳамият берилаётганини алоҳида таъкидладилар.

**(ЎзА)**

## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» кўрик-танлови

*Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси биз учун энг азиз бўлмиш она-Ватан фарзандлари руҳияти, қалби ва онгида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришларини ижодий асарларда янада кенгроқ ёритиш, тасвирлаш мақсадида анъанавий «Энг улуғ, энг азиз» Республика кўрик-танловига барча ижодкорларни таклиф этади.*

*Кўрик-танловга тақдим этилаётган ижодий ишларда қуйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим:*

*мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини;*

*мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар жараёни ва бу борада эришилган ютуқлар;*

*миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг шаклланиши;*

*она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат;*

*миллий ғурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар;*

*кишилар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари;*

*фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган, яратувчилик йўлида изланаётган замондошларимиз қиёфаси;*

*мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари;*

*буюк истиқлол туфайли қўлга киритилаётган моддий ва маънавий неъматлар кўлами.*

*Кўрик-танлов ҳайъати томонидаи аниқланган ғолиблар Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллиги байрами арафасида мукофотланади ва матбуотда эълон қилинади.*

***Танлов ғолибларини қимматбаҳо совринлар кутади.***

**Ижодий ишлар икки нусхада 2004 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси. 30 уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси «Энг улуғ, Энг азиз» Республика кўрик-танлови ҳайъати. Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64; 144-37-87.**

# Бир Фармон шарофати

## ИЖТИМОИЙ КЎНИКМА МАРКАЗИ

### соғлом турмуш тарзига хизмат қилмоқда

Марказимиз ташкил этилганига етти йил тўлаяпти. Ўтган даврда у шаклланиб, иқтисодий жиҳатдан анча мукаммаллашди.

Низомга кўра мазкур ташкилот вилоят ҳокимлиги ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи 7 кишидан иборат кузатув комиссияси раҳбарлигида фаолият кўрсатмоқда. Тузилган иш режага асосан шаҳар ва туманлардаги ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

Ижтимоий кўникма марказининг асосий вазифаси - жазони ўтаган ёхуд махсус қабул қилиб олиш ва тақсимлаш жойларидан озод этилган фуқароларга бир марталик маблағ бериш, уларнинг рўйхатга қайтадан туриши, ҳужжатларини қайта тиклашда кўмаклашиш, назорат қилиш, меҳнат ва маиший шароитини яхшилаш, иш ва турар-жой билан таъминлашдан иборат.

Марказимизга 2003 ва жорий йилнинг ўтган даврида 241 киши мурожаат этди. Уларга энг кам иш ҳақининг 6 баробари миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. 83 киши жойлардаги меҳнат бўлимлари томонидан ишга жойлаштирилди. 3 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, меҳнат бўлимлари, ташкилотлар, корхоналар ва маҳаллалар билан ҳамкорликда ҳар чоракда бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказиб борилмоқда. 179 киши қайта паспорт билан таъминланди, 105 нафарига иш жойларида, 241 нафарига яшаш жойларида мураббийлар тайинланди. Барча мурожаат этганлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, 37 нафари касалликлари бўйича даволанишга юборилди.

Ўзбекистон Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонига кўра жазони ўташ муассасаларидан келган 155 фуқаро ижтимоий кўникма марказига мурожаат этди.Уларни ҳам ижтимоий муҳофазага олдик.

Бунда маҳаллий давлат бошқарув идоралари билан ҳамжиҳатликда олиб бораётган ишларимиз ўз самарасини бермоқда.

**Искандар НАХАЛБОЕВ,**
**Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникма маркази раҳбари**



## КАСАЛЛИГИ АНИҚЛАНГАНЛАР ШИФОХОНАГА ЁТҚИЗИЛДИ

***Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникма маркази алоҳида бинода жойлашган бўлиб, бу ерда ходимлар фаолияти учун етарлича шароит яратилган.***

Мурожаат этганларнинг ҳужжатлари алоҳида дафтарчада қайд этилиб, расмийлаштирилгач, бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади.

Ижтимоий кўникма маркази етакчи мутахассиси Анвар Муллажоновнинг таъкидлашича, шу кунгача бу ерга 36 фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг барчасига ижтимоий хизмат кўрсатилган: 34 нафари паспорт билан таъминланди. Ҳаммасига энг кам иш ҳақининг 6 баробари миқдорида бир марталик моддий ёрдам берилди. 19 киши доимий иш билан таъминланди. 8 кишида касаллик аломатлари борлиги аниқланди. Уларнинг барчаси махсус шифохоналарга ётқизилди.

Ҳаётда адашиб, бугун ўз ўрнини топаётган З.Аҳмедов, Б.Йўлдошев, О.Абдушукуров, Ш.Турсунов, Ф.Уришбоев, Р.Жалилов, Ж.Жабборов, В.Беловлар иш жойларида ўзларининг ижобий томонларини кўрсатмоқда.

Кузатув комиссиясига шаҳар ҳокимининг ўринбосари К.Жўраев раислик қилади. Комиссия ўз иш режасига кўра ижтимоий кўникма маркази билан турли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Унга кўра жазони ўташ жойларидан озод бўлиб келган шахсларни тўлиқ ҳисобга олиш, ёрдамга муҳтожларни комиссияга тавсия этиш, корхона, ташкилот ва муассасалардаги янги иш ўринларини аниқлаш, бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этиш белгиланган. Бундан ташқари, ушбу шахсларни тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликларга чалинганларни дарҳол даволаш муассасасига юбориш каби муҳим масалалар ҳам комиссия вазифасига киради. Яқинда комиссия шаҳар меҳнат бўлими билан жазо муддатини ўтаб келган шахсларни иш жойлари билан таъминлаш бўйича квота асосида бўш иш ўринларини қайта кўриб чиқди.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## РЕНАТ ҚУШТОЕВ: ЭНДИ АДАШИШ ЙЎҚ

Ҳаётда ҳамма нарса бўлади. Ренат Қуштоев ҳам бир бор адашиб, яна ўз ўрнини топди. У оилали, бир ўғил, бир қизи бор. Жиззах шаҳар ҳокимлиги қошидаги ижтимоий кўникма маркази орқали корхонамизда квоталанган иш ўрнига жойлашди.

Корхонамизда чилангарлик касби муҳим аҳамиятга эга. Шу боис биргина цехимизда Ренатга ўхшаган олти нафар чилангар меҳнат қилади. Уларга кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган Карим ака Убайдуллаев етакчилик қилади. Р.Қуштоев ҳам Карим акадан кўп нарсаларни ўрганди. Муҳими, касбига меҳр қўйиб кам бўлмади. Ҳалол пешона тери эвазига ойига 45-50 минг сўм маош олмоқда. Бу оила дастурхони тўкинлиги, уст-бош бутлигини таъминлаяпти, албатта.

Цехимизда 25 миллиметрдан 315 миллиметргача бўлган 13 турдаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарилади. 11 та дастгоҳ бекаму кўст ишлатилишида чилангарлар ҳиссаси салмоқлидир. Суткалик иш унуми 20 тоннага етаяпти.

Жамоамиз аъзолари Ренатнинг оиласи даврасида бўлишиб, улар шодлигига шерик бўлишади. Корхонамиз касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳрор Ҳасанов унинг оилавий шароитидан доим хабардор. Ўз ўрнида Ренат ҳам жамоага таяниб меҳнат қилмоқда. Биз ҳам бундай кишиларнинг кундалик ҳаёти сермазмун бўлишидан мамнунмиз, албатта.

**Неъмат ХОЛБЎТАЕВ,**
**«Жиззахпластмасса» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти цех бошлиғи**

***Суратда: чилангар Ренат Қуштоев.***

### 2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

***Янги ўқув йили арафасида тумандаги Дўсимбий қишлоғининг «Мамокўпир» маҳалласи ҳудудида янги бошланғич мактаб биноси қурилиб, ишга туширилди. Маҳалла аҳлининг, айниқса, болаларнинг қувончи чексиз. Негаки узоқ йўллар яқинлашди, ташвишлар чекинди.***

Маҳалла туман чеккасида жойлашган бўлиб, 30 дан зиёд хонадон, салкам 400 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти ўқувчилар. Маҳаллага энг яқин мактаб 7-8 километр чамаси узоқда бўлиб, қишлоқ марказида жойлашганди. Шу боис машғулотларга ўқувчиларнинг вақтида етиб келмаслиги кўплаб кузатиларди.

## ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР

### ёрдамида Гурлан туманида қатор муаммолар ҳал этилмоқда

Бу ҳолни кўриб-кузатиб юрган «Қорақалпоғистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Сафарбой Собиров маҳаллада мактаб қуриш таклифини фаоллар эътиборига ҳавола қилди. Мактабни ўзимиз қурамиз, деган фикрга бутун қишлоқ аҳли қўшилди. Ғиштни ҳам, ёғоч-тахтани ҳам, бошқа материалларни ҳам, қишлоқ аҳли ўзи топишди, бинони ҳам ўзлари кўтаришди. Ҳашар йўли билан 120 ўринли бошланғич мактаб битказилди. Хўжалик маблағи ҳисобидан бино жиҳозланди.

Эшимжирон қишлоғидаги тадбиркорлар Ёриммат ва Эриммат Содиқовлар номи нафақат Гурлан туманида, балки Хоразмда ҳам кўпчиликка таниш. Юртбошимиз ўтган йили вилоятга Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш маросимида сўзлаган нутқида тарихий ўлканинг ҳозирги ривожига муносиб ҳисса қўшаётган кишилар қаторида уларнинг номини ҳам тилга олиб, хайрли ишларида муваффақиятлар тилаган эди. Бунинг боиси бор, албатта. Негаки бу тадбиркорлар ўз сармоялари ҳисобига ўтган йили қишлоқда 320 ўринли мактаб биносини бунёд этдилар. Айни кунларда эса улар ушбу мактаб учун замонавий спорт залини қуришга бош-қош бўлишяпти.

Ана шундай хайрли ташаббусларнинг кенг қулоч ёяётганлиги туманда муҳим ижтимоий масалаларни ҳал қилишга ёрдам бермоқда. Бундай муаммолар бу ерда оз эмас. Чунончи 30 минг ўқувчининг учдан бир қисми иккинчи сменада ўқишга мажбур, 9 та мактаб ўзининг спорт залига, 18 таси катта мажлислар залига эга эмас. Бир неча мактабда марказий иситиш тармоғи, телефон алоқаси йўқ. Ҳатто тоза ичимлик суви келмайдиган мактаблар ҳам бор. Мактабларнинг ярмисигина компютерлар билан таъминланган, уларнинг ҳам кўпчилиги эскирган, фойдаланишга яроқсиз.

– Яқинда вазирлик ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси ва тегишли идоралар мутахассислари иштирокида тумандаги барча мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларидаги аҳвол ўрганилди. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида бюджет ажратмалари миқдори кўпайтирилди, – деди туман халқ таълими бўлими мудири Маҳмуджон Абдуллаев. – 35 та мактаб биносини мукаммал таъмирлаш ишлари бошланди. Шу мақсадда 400 миллион сўм, бошқа мактабларни таъмирлашга эса қўшимча яна 55 миллион сўм пул маблағлари ажратилди.

Шунингдек, туманда хайрли ташаббускорлар сафи ҳам кенгаймоқда. «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги ҳудудида тадбиркорлар маблағи ҳисобига янги мактаб биноси қад ростлаяпти. «Амударё» ширкат хўжалиги бошқаруви қарори билан идора биноси туман спорт мактаби ихтиёрига берилди. Бу ҳудуддаги иккита мактабни таъмирлашни ҳомийлар ўз зиммасига олишган.

**К.РАҲИМОВ**

## ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИ ФАОЛ БЎЛСА

Вазирлар Маҳкамасининг «Милиция таянч пунктларининг инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида маҳалла фуқаролар йиғинларида педагог-тарбиячилар лавозимининг киритилиши ёшларга бўлган эътиборнинг долзарблигидан далолат беради ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига шарт-шароит яратилишига хизмат қиляпти.

Педагог-тарбиячини танлаш шаҳар, туман ҳокимликлари ва ички ишлар идоралари раҳбар ходимлари билан келишган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғини қарори билан амалга оширилади.

Вилоятдаги маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида педагог-тарбиячи лавозимлари мутахассислар билан таъминланиб, уларнинг барчаси милиция таянч пунктларида хизмат хоналари, алоқа воситаларига эга. Мазкур лавозимни малакали, ҳаётий тажрибага эга бўлган олий маълумотли тарбиячилар билан тўлдиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларнинг 123 нафари олий маълумотли, 8 нафари ҳуқуқшунос, 10 нафари ўрта-махсус педагогик маълумотга эгалиги ҳам бундан далолат бериб турибди.

Педагог-тарбиячилар ўзига бириктилган ҳудудда вояга етмаган болаларнинг самарали ҳордиқ чиқаришлари, бўш вақтни кўнгилли ўтказишлари учун масъулдир. Улар олдидаги асосий вазифа - ўсмир ва ёшларнинг жиноятчилик оламига, хусусан турли хил диний оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари йўлида курашишдан иборат.

Саъй-ҳаракатлар туфайли вилоятимизда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар сезиларли даражада камайди.

**Д.НОРМАМАТОВ,**
**вилоят ИИББ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги**

## ЯШАШДАН МАҚСАД НИМА?

Шаҳарчамиз фуқаролар йиғини ҳудудида тўрт минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. «Бўстон», «Саноатчи», «Қурувчи», «Самарқанд» маҳаллалари фаоллари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз туфайли одамлар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида одамларнинг тинч-тотув, аҳилликда яшашини таъминлаяпти.

Маҳаллаларимиз ўртасида ўтган йили кўплаб тадбирлар ўтказилди. Масалан, Нурали Саидов раислик қилаётган «Саноатчилар» маҳалласи вилоятда ташкил этилган «Энг обод маҳалла» кўрик-танловида фаол қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди ва қимматбаҳо эсдалик совға билан тақдирланди. Шуниси эътиборлики, маҳаллада сўнгги беш йилда бирорта жиноят содир этилмади. Маҳаллада фаолият юритаётган педагог-тарбиячи Дилмурод Ҳасанов, милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, милиция капитани Мамашукур Сариевларнинг жонбозликлари туфайли бунга эришилди.

Жазони ижро этиш муассасаларидан келган фуқаролар ҳудудимиздаги корхона, ташкилот, муассасаларга туман ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникма марказлари томонидан ишга жойлашмоқда. Ҳозиргача 4 киши ишли бўлишди. Уларнинг ҳар бирига турар-жойида ва ишхонасида ҳомийлар белгиланган. Улар фаолияти ёшлар билан ишлаш ва ҳуқуқ-тартибот ишлари комиссиясида доимий муҳокама этиб борилмоқда.

**Қаҳрамон СИЛЛИЕВ,**
**Зафаробод туманидаги «Зафаробод» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси**

## ТАХТАКЎПИРДА КОЛЛЕЖ

***Жорий йилда Тахтакўпир туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи қайта таъмирланади. Бу ерда 836 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиш мўлжалланмоқда.***

— Бинонинг қайта таъмирланиши жами ишнинг атиги йигирма фоизини ташкил этади,-деди иншоот бош пудратчиси бўлмиш "Амударё" МЧЖ раиси Қувонишгали Алиев –Бу ерда асосий ишимиз янги бинолар барпо этишдан иборат бўлиб , унга жами 1,25 миллиард сўм сарфланади..

Қ.Алиевнинг таъкидлашича, жорий йилда ўқув ишлаб чиқариш устахонаси ва 600 ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси фойдаланишга топширилади. Келаси йилда эса 50 ўринли ётоқхона талабалар ихтиёрига топширилади.





Ҳукуматимиз қарорига биноан 2005 йилгача бўлган даврда маҳаллий хом ашё негизида буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига асосан Қўқон шаҳридаги саноат корхоналарида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Қўқон механика ҳиссадорлик жамиятида дастур бўйича 9 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда асосан нефт ва газ саноати учун керакли бўлган эҳтиёт қисмлар ҳамда халқ истеъмоли моллари тайёрланади.

Корхонанинг 348 нафар ишчиси маҳсулотнинг сифатига жиддий эътибор қаратмоқдалар. Шу сабаб маҳсулотларга талаб ошмоқда.

***Суратларда: корхона раҳбарининг муовини Содиқ Ҳамдамов ишчи Равшан Маҳмудов билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; илғор ишчилар Аббос Ўлжабоев, Солижон Бойматов ҳамда арматура цехи бошлиғи Ҳабибулло Ҳаққуловлар.***

**М. ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

### Муаммо кўндаланг қўйилади

## ҚАЛБ ИЗТИРОБИ

### қайда қолди меҳр-оқибат

***Қамаши туманидаги «Қизил қишлоқ»ни ҳамма яхши билади. Мазкур фуқаролар йиғини ҳудудида 3697 нафар аҳоли яшайди. Бу ерда мавжуд 5 та қишлоқда 709 оила истиқомат қилади. Бу ерда меҳнатга лаёқатли 2525 нафар аҳоли бўлиб, қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида хизмат қилишади. Илгари «Лангар» хўжалиги 2003 йилнинг охирларида фермерлар уюшмасига айлантирилгач, пудратчилар танлов асосида фермерликни ихтиёр этишди.***

Турдихол Тўраевалар оиласи ҳам ушбу хўжаликда бир неча йил меҳнат қилиб, эндигина рўшнолик кўраман деган бир пайтда тазйиққа учраб, ҳозир идорама-идора овораю сарсон бўлиб юрибди. Қарийб 28 йил машина-трактор парки ёнидаги ошхонада тракторчиларга иссиқ овқат тайёрлаб бериш билан умри ўтган Турдихол Тўраева турмуш ўртоғи Даврон Хўжаёров вафотидан сўнг оиладаги 12 нафар боланинг тарбиясини ўз зиммасига олди. Аёл киши учун ҳозирги шароитда жўжабирдай жон билан кун кечиришнинг ўзи бўлмайди. Ҳали олдинда 5 нафар уйли-жойли бўлмаган фарзандлари камолини ўйлаб, ўзи ишлаб турган ошхонани сотиб олишга рухсат беришларини сўраб, хўжалик раҳбарига мурожаат қилади. Онанинг мурожаати асосида бош ҳисобчи Шермат Муродов, прораб Эсонтурди Рустамов, ҳисобчилар Б.Раҳимов, Г.Рўзибоевлар иштирокида 2003 йилнинг 14 мартида далолатнома тузилди. Турдихол Тўраеванинг ўғли Мухтор Хўжаёров ишлатиб келган ошхонани унинг ҳисобига ўтганлиги ҳақида ҳам далолатнома тузилди. Комиссия аъзолари томонидан 1960 йилда қурилган ошхона биносининг Турдихол Тўраевага ўтганлигини баён қилишади. Шунда бамайлихотир ўз тирикчилигини қилиб юрган опа ёнига «Қизил қишлоқ» маҳалла қўмитаси раиси Абдурашид Сатторов келиб, бинонинг икки хонасидан вақтинчалик фойдаланиб туришини, имкони топилгач, фуқаролар йиғини биносини бошқа жойга кўчириб, ишни давом эттиражаклигини айтади. Мана шунга ҳам анчагина вақт бўлиб қолди. Фуқаролар йиғини эндиликда ошхонанинг икки хонасида қисиниб-қимтиниб иш юритяпти. Бинонинг ярмида истиқомат қилаётган Турдихол Тўраева фуқаролар йиғини раҳбарларидан хонани бўшатиб беришларини сўраганида, улардан олган жавоби ғалати бўлди.

Опа туман ҳокимлигига 2003 йил 12 сентябрда, 2003 йил 6 июн «Лангар» ширкат хўжалигини фермер хўжаликлари уюшмасига айлантириш бўйича тузилган комиссияга ёзган аризалари комиссия томонидан ўрганилди. Қайта ташкил этиш комиссияси раиси Шуҳрат Рустамов имзоси билан опа номига юборилган жавоб хатида, жумладан, шундай дейилади. «... ушбу udбинодан ҳозирги кунда «Кўкбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги «Қизилқишлоқ» маҳалла қўмитаси фойдаланиб келаётганлиги аниқланди. «Қизилқишлоқ» қишлоғида жойлашган бино инфраструктура объекти сифатида «Кўкбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини балансига ўтказиб берилди.

Сизга собиқ «Лангар» ширкат хўжалигининг «Ким ошди» савдосига қўйилаётган бинолардан амалдаги қонунчилик асосида «Ким ошди» савдосида қатнашиб, сотиб олишингиз тавсия этилади».

Комиссия раиси бунда қонун талаблари асосида иш юритганлиги аниқ. Лекин боқувчисини йўқотган, бир неча йил хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшган ёлғиз аёлнинг «Ким ошди» савдоси орқали 1 миллион 600 минг сўмга нархланган бинони сотиб олишга қурби етармиди?!

Биз маҳалла қўмитаси раиси Абдурашид Сатторов ҳамроҳлигида Турдихол Тўраева биринчи гуруҳ ногирони 15 ёшли ўғли Ҳамдам, кенжа қизи Флюралар билан истиқомат қилаётган собиқ ошхона биносидаги хонадонда бўлдик. Бу ердаги шароитни кўрган ҳар қандай кишининг таажжубланиши турган гап. Боз устига ҳали опанинг уйли-жойли қилмаган яна 5 нафар фарзанди бор.

– Етти фарзандимни уйли-жойли қилдим, - деди опа., – Ногирон болам билан келинларимнинг тинчини бузмай деб шу бинони сўрагандим. Ҳали вояга етмаган биринчи гуруҳ ногирони Ҳамдамимдан доимо кўз-қулоқ бўлиб турамиз. Хўжалик томонидан берилган томорқамиз бор. Лекин уларда фарзандларим оила аъзолари билан яшашади. Раҳматли дадаси ҳаёт бўлганида бунчалик қийналмасдим. «Кўкбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жўра Умаров одам юбориб «уйдан чиқ» деб айтгани айтган.

—Биз маҳалла посбони Олим Тўраев билан суҳбатлашиб турганимизда Турдихол опанинг ўғли бўласанми, онангга тушунтир, бинодан чиқсин. Бўлмаса биронтангни бир ёқли қилиб юбораман, деб кўнглимизга ғулғула солиб қўйди.Бу киши маҳалла етакчиси эканлигини шунда билдим. Бу ҳақда онамга айтганимда, керакли жойларга хабар қилиб қўйганликларини айтиб мени тинчлантирдилар, - дейди опанинг қишлоқда яшовчи ўғли Комил Хўжаёров.

Фикримизча, эзгу ишлар аввало маҳалладан бошланишини эътиборга олсак, қишлоқ оқсоқолининг айтган гаплари одамга оғир ботиши аниқ. Ахир халқимизда «ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир» деган ҳикмат бекорга айтилмаган. Ўзбек оилалари болажон. Президентимиз 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилганларида аввало муҳтож оилаларга мурувват кўрсатишни назарда тутганлар.

Бироқ, «Кўкбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги «Қизилқишлоқ» маҳалласида ҳар доим ҳам бунга амал қилинмаяпти. Аввало, ушбу маҳалла ҳақида икки оғиз гап. Торгина икки хонадан иборат бўлган «идора» шу кун талабига асло жавоб бермайди. Хоналар хира, торлигидан бу ерга келувчилар ўтиришга жой топа олмайдилар. Зарур ҳужжатлар ва ёзув машинкаси пол устига ташлаб қўйилган. Маҳалла идорасини тўлиқ шакллантириш учун посбон, тарбиячи педагог, хотин-қизлар қўмитаси, милиция таянч пункти учун қўшимча хоналар зарур. Фуқаролар йиғинидагилар кўп болали, биринчи гуруҳ ногирони бўлган фарзанди билан яшаб турган, қурилганига 40 йилдан ортиқ вақт бўлган собиқ ошхона биносига кўз тикиб турмай, ўзлари учун имконият қидирсалар адолатдан бўларди. Ахир қаерлардадир ёлғизлар, боқувчисини йўқотганларга ҳашар йўли билан бошпана қуриб беришяпти-ку?!

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**

